Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 17-FEVRAL, JUMA, 22 (7951) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

Юртимиз иқтисодиёти юксалиши, халқимиз турмуш фаровонлиги ортишида муҳим ўрин тутадиган пахта толасининг ҳар жиҳатдан сифатли, харидоргир бўлишини таъминлаш йўлида аниқ чор-тадбирлар асосида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда республика "Сифат" маркази ва унинг тизимидаги ташкилотларда меҳнат қилаётган соҳа мутахассисларининг ҳам хизматлари катта.

"Авангард" ёки "Аланга" навли шолилар республикамизнинг барча ҳудудларида етиштирилади. Ҳосилдорлиги ҳам барча жойда у қадар фарқ қилмайди. Нега энди девзира гуруч фақат водийда бўлади? Водийнинг барча жойларида ҳам бирдек пишиб етилмайди?

"Жайрон" экомаркази фаолияти кенг қамровли бўлиб, бу ерда ҳайвонларнинг ноёб турлари, уларнинг биологик, генетик хусусиятларини ўрганиш, ҳудуддаги табиатан мавжуд ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш, илмий тажрибалар ўтказиш, ёш авлоднинг табиатга бўлган муҳаббатини ошириш, марказда экотуризмни ривожлантириш каби қатор ишлар қилинмоқда.

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 февраль куни Оқсаройда "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шарти" мавзуидаги халқаро конференцияда қатнашиш учун мамлакатимизга келган Осиё тараққиёт банки (ОТБ) президенти Харухико Куродани қабул қилди.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатимиз билан кўп йиллардан буён яқин ҳамкорлик қилиб келаётган ОТБ ҳақли равишда энг нуфузли ва етакчи халқаро молия муассасаларидан бири эканини таъкидлади. Самарали икки томонлама ҳамкорлик ҳамда бунинг натижасида Осиё тараққиёт банки томонидан умумий қиймати 8,6 миллиард АҚШ долларига тенг 35 қўшма лойиҳанинг маъқуллангани бунинг тасдиғидир. Ушбу лойиҳаларни молиялаштиришда ОТБнинг улуши 3,8 миллиард долларни ташкил қилади.

Ўзбекистон ва ОТБ ҳамкорлиги таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини ислоҳ қилишни қўллаб-қувватлаш, энергетика секторининг ишлаб чиқариш қувватлари ва инфратузилмасини, темир йўл ва автомобиль йўллари инфратузилмасини, коммунал хўжалик соҳаларини модернизация қилиш, қишлоқ хўжалигида тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш, молия секторини ривожлантириш каби йўналишларни қамраб олган.

Ўзбекистон билан Осиё тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларида таълим тизимини ислоҳ қилиш соҳасидаги ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Бундай ҳамкорлик доирасида умумий қиймати 300 миллион АҚШ долларига тенг 8 қўшма лойиҳа амалга оширилди.

Ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати кенг кўламли йўналишларда жадал ҳамкорлик қилинаётгани билан диққатга сазовордир. Сўнгги йилларда ОТБнинг Ўзбекистондаги операциялари ҳажмининг йиллик ўсиши бир миллиард долларга етди. Хусусан, ОТБ президентининг ушбу ташрифи асосида умумий қиймати қарийб 950 миллион долларлик тўртта лойиҳа бўйича 508 миллион долларга тенг заём битимлари имзолангани рамзий маънога эга.

Шу билан бирга, Осиё тараққиёт банки томонидан 2012 йил 17 январь куни "Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуини барпо этиш ва конни жиҳозлаш" лойиҳасини молиялаштиришда умумий қиймати 400 миллион АҚШ долларини ташкил қиладиган кредит ва кафолатлар билан иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилингани катта аҳамиятга эгадир. МДҲ мамлакатларида ягона бўлган ушбу лойиҳанинг Осиё тараққиёт банки томонидан қўллаб-қувватланиши тўғридан-тўғри хорижий сармоя ва кредитлар жалб қилишда муҳим катализатор бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон ва ОТБ икки томонлама шериклик билан бир қаторда, энг муҳим минтақавий масалаларни ечишда ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунинг натижасида йилига Ўзбекистондан Афғонистонга узлуксиз равишда 1,2 миллиард киловатт/соат электр энергияси етказиб берилишини таъминлайдиган электр узатиш линиялари фойдаланишга топширилди. Шунингдек, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси томонидан Афғонистоннинг Ҳайратон ва Мозори Шариф шаҳарларини боғлайдиган, ушбу мамлакат тарихидаги илк темир йўлнинг қурилиши муваффақият билан якунланди. Бу қўшма лойиҳалар Афғонистонда тинчликни мустаҳкамлашга, ушбу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Муқобил энергия манбаларини ривожлантириш Ўзбекистон билан ОТБ ўртасидаги ҳамкорликнинг яна бир янги йўналишидир. ОТБнинг 2010 йилда Тошкентда ўтган Йиллик мажлиси чоғида ОТБ президенти Х.Курода томонидан илгари сурилган қуёш энергетикаси ташаббуси доирасида жорий йилнинг 16 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси иштирокида муқобил энергия манбалари соҳасида замонавий технологияларни ишлаб чиқиш борасида нуфузли марказ бўладиган қуёш энергияси бўйича қўшма халқаро илмий тадқиқот институтини тузиш ҳақида келишувга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорлигини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшгани, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар дастурини амалга оширишга, минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга фаол ёрдам кўрсатгани учун ОТБ раҳбари Харухико Куродага давлатимизнинг юксак мукофотини – "Буюк хизматлари учун" орденини топширди.

ОТБ президенти самимий қабул ва юксак эътибор учун мамлакатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик билдириб, Осиё тараққиёт банки Ўзбекистон билан ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Учрашувда томонлар ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати юзасидан фикр алмашиб, истиқболда ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга, ушбу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар.

ЎзА

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ – ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИ ДАРАЖАСИДА

"Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шарти" мавзуидаги халқаро конференция иштирокчилари 16 февраль куни пойтахтимиздаги умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаларида бўлиб, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари, таълим даргоҳларида ўқувчи ва талабаларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Ҳалқаро конференция иштирокчиларининг бир гуруҳи ташриф буюрган Олмазор туманидаги 243-умумтаълим мактаби пойтахтимиздаги энг намунали мактаблардан биридир. 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ мактаб «Меҳр нури» нодавлат нотижорат жамоат хайрия жамғармаси кўмагида капитал таъмирланди ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилди.

Мактаб директори Насиба Нишонованинг айтишича, ана шу ишлар натижасида ушбу билим даргоҳи бутунлай янгича қиёфа касб этган. Айни вақтда мактаб қулай ва сифатли мебель, ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, зарур адабиёт ва кўргазмали воситалар билан таъминланган. Бу ердаги спорт ва мажлислар заллари, ошхона, компьютерлар билан тўлиқ жиҳозланган синф, кимё ва физика машғулотлари учун лабораториялар 2400 нафардан ортиқ ўқувчи ихтиёрига берилган. Яратилган бундай шарт-шароитлар конференция қатнашчиларида ўчмас таассурот қолдирди.

Ўқувчилар дунёнинг турли давлатларидан келган меҳмонларни қўлларини кўксиларига қўйиб, «Ассалому алайкум» деб, самимий кутиб олдилар. Мамлакатимиз мактаблари фақат ўқувчиларнинг шарқона одоб-ахлоқи билангина ажралиб турмайди. Уларда ўқувчиларнинг замонавий талаблар асосида билим олиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Масалан, 8-синф ўқувчилари информатика дарсида компьютер дастурлари бўйича ўз билимларини намойиш этган бўлса, уларнинг ука ва сингиллари – 4-синф ўқувчилари эса табиатшунослик дарсида меҳмонларга Ўзбекистоннинг табиий бойликлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Маълумки, ўқитишнинг ноанъанавий, интерфаол услублари бутун дунёда кенг оммалашмоқда. Олмазор туманидаги 243-умумтаълим мактаби ҳам бундан мустасно эмас. 9-синфда ўтказилган тарих дарси бунга яққол мисол бўла олади.

(Давоми 2-саҳифада)

СЎЗ – КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

"Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шарти" мавзуидаги халқаро конференция иштирокчилари 16 февраль куни пойтахтимиздаги умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаларида бўлиб, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари, таълим даргоҳларида ўқувчи ва талабаларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирлари уларнинг таассуротлари билан қизиқди.

УЗОҚНИ КЎЗЛАБ ЮРИТИЛАЁТГАН ОҚИЛОНА СИЁСАТ САМАРАЛАРИ

Аман АГАРВАЛ, Молия институти проректори (Ҳиндистон):

– Ўзбекистонда истиқлол йилларида асрга татигулик ишлар амалга оширилди. Замонавий жиҳозлар билан таъминланган таълим муассасалари нафақат пойтахтда, балки барча ҳудудларда бунёд этилгани ва самарали фаолият юритаётгани бунинг ёрқин далилидир. Турли соҳаларга ихтисослашган олий ўқув юртлари ва коллежлар малакали кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида улкан салоҳиятга эга. Мамлакатларимизнинг ушбу соҳадаги ҳамкорлиги жадал ривожланмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университетида очилган Жавоҳарлаъл Неру номидаги Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялари маркази ушбу соҳадаги фаол ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ташкил этилган Ҳиндистон маркази таълим соҳасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тереза СИД хоним, Лиссабон университети проректори (Португалия):

– Ушбу сафаримиз асносида Ўзбекистон таълим тизими ҳақида фойдали ва зарур маълумотларга эга бўлдим. Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилингани узоқни кўзлаб юритилаётган оқилона сиёсатнинг самарасидир. Мамлакатингиз таълим тизимида менга жуда манзур бўлган жиҳатлардан яна бири шундан иборатки, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги, умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлигидир. Ёшлар тўққиз йиллик мактаб таълимидан сўнг уч йиллик ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ёки лицейларда таълимни давом эттиради. Бундай махсус фан ва соҳаларга йўналтирилган коллежлар ўқувчи ёшларнинг муайян соҳа, касб-ҳунарга оид билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Португалияда таълим тизими хусусий мактаб ва университетлардан иборат. Ўзбекистонда эса давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлигига ҳавас қилмасдан бўлмайди. Чунки давлатга қарашли мактаб ва олий ўқув юртларида таълим бериш даражаси ва сифати хусусийларга нисбатан анча юқори ва ишончлидир. Бунга мен Тошкентдаги 50-умумтаълим мактаби ва Тошкент молия институти фаолияти билан яқиндан танишишим асносида яна бир бор амин бўлдим. Таълим даргоҳларида яратилган шароитлар халқаро талабларга мос.

(Давоми 2-саҳифада)

Қашқадарё вилояти

БЕЗАВОЛ ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ

барқарор тараққиёт истиқболига хизмат қилади

Қайта тикланувчи муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир. Қуёш батареялари, шамол тегирмонлари, биогаз каби атамалар ҳаётимизга кириб келганига анча бўлди. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда қайта тикланувчи энергиялар муҳим аҳамиятга эга. Хўш, муқобил энергия манбаларидан қандай фойдаланяпмиз? Бу борада қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларининг кўплаб турларидан унумли фойдаланиш имконияти бор, — дейди Қашқадарё вилоятида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Муҳаммади Маманазаров. — Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қошидаги "Эко-энергия" илмий-татбиқий маркази томонидан Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида бир қатор қуёш фотоэлектр станциялари ҳамда шамол генераторлари (ёритиш, телевизор, радио, алоқа, қудуқлардан сув тортиш ва ҳ.к.), гелиосувиситкичлар, қишлоқ хўжалиги, саноат ва маиший чиқиндилардан биогаз ва биоорганик ўғит (биогумус) олиш қурилмалари, микро-ГЭС ўрнатилди ҳамда ишга туширилди. Бу борада вилоятимизда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

— Воҳамизда бир қанча тиббиёт муассасалари ҳамда фермер хўжаликларида айни пайтда муқобил энергия манбаи бўлмиш қуёш батареясидан фойдаланилмоқда, — дейди вилоят Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бўлим бошлиғи Раим Насруллаев. — Кичик фотоэлектр станциялари барпо этиш ҳисобига муқобил энергия олиш йўлга қўйилмоқда. "Эко-энергия" илмий-татбиқий маркази тавсиясига кўра, бўлимимиз томонидан ишлаб чиқилган дастур асосида сўнгги уч йил ичида Қамаши туманидаги "Тўқай", Чироқчи туманидаги "Бешчашма", Қарши туманидаги "Ҳилол" қишлоқ врачлик пунктлари, Миришкор тумани марказий шифохонаси, Қарши туманидаги "Норбой қизи Кумуш" фермер хўжаликларига қуёш батареялари ўрнатиб берилди.

Бу борадаги ишлар билан танишиш мақсадида Яккабоғ туманидаги вилоят болалар санаторийида бўлдик.



— Электр энергияси таъминотидаги узилишлар энди ишимизга халал бермайди, — дейди санаторий бош шифокори Тошкент Ёров. — Қуёш батареялари ўрнатилгач, бу муаммо ҳал бўлди. Электр энергиядан узилиш бўлганда ҳам даволаш ускуналари бемалол ишлайди. Бу электр энергиясини иқтисод қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Биргина 2011 йилда қарийб 1,5 миллион сўм иқтисод қилдик.

— Қуёш батареяларидан самарали фойдаланаётирмиз, — дейди "Эрназаров Сарвар Фарҳодович" фермер хўжалиги раҳбари Фарҳод Жумаев. — Қуёш батареяси дала шийпонимизга ўрнатилган. Хоҳлаган пайтда ишчиларимиз радио тинглаб, телевизор томоша қилишади. Келгусида хўжалигимизга қуёш станцияларининг янада замонавий турларини ўрнатишни мўлжаллаб турибмиз.

Ҳа, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш энергетика таъминотини яхшилаш, қишлоқ ва чекка ҳудудларда электр қувватига бўлган эҳтиёжни қондириш, энг муҳими, зарарли газлар чиқиндисини қисқартириб, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга хизмат қилади. Бу борадаги ишлар кўлами кенгаяётганлиги эса қувонарлидир.

Ҳусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ – ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИ ДАРАЖАСИДА

(Боши 1-саҳифада)

Дарс пайтида бу йил мактабни битирадиган ўқувчилар жамоаларга бўлиниб, мамлакатимизнинг энг янги тарихига доир билимларини бойитдилар.

Шунингдек, меҳмонлар физика ва кимё синфларида бўлиб, лаборатория машғулотлари, мактабда ташкил этилган фан тўгараклари фаолияти билан яқиндан танишдилар. Таъкидлаш керакки, 243-умумтаълим мактабида ўқувчиларга инглиз, рус ва корейс тиллари чуқур ўргатилади. Шу боис ҳам ўзига хос тайёргарлик курси ҳисобланадиган корейс тили тўгарагига 2-5-синф ўқувчиларининг қизиқиши катта. Ўзи ҳақида корейс тилида сўзлаб берган 5-синф ўқувчиси Абдуллоҳ Абдуллаевни хорижлик меҳмонлар қарсаклар билан олқишладилар.

– Ўзбекистон таълим тизими таҳсинга лойиқ, – дейди Буюк Британия инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияси президенти Лесли Киркам. – Менинг мамлакатингизга учинчи марта келишим ва ҳар сафар ташрифим давомида таълим тизимида кўплаб янги ва фойдали ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Мен Ўзбекистон давлат таълим стандартлари жаҳон стандартларига тўлиқ мос келади, деган фикрдаман.

Халқаро конференция иштирокчилари 12 йиллик узлуксиз таълим тизими ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаётган пойтахтимиздаги Тошкент

Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган сурат

алоқа касб-ҳунар коллежида ҳам бўлишди. Мазкур ўқув юртида коммутация тизимлари, алоқа линиялари, рақамли узатиш тизимлари, радиоалоқа, радиода овоз ёзиш ва телевидение, почта алоқаси воситаларига хизмат кўрсатиш, шунингдек, менежмент ва бухгалтерлик ҳисоби бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Ўқувчилар ўқишни тамомлагач, ўз касбини мукаммал эгаллаган мутахассислар сифатида радио, теле, почта ва уяли алоқа муассасалари ҳамда ташкилотларига ишга қабул қилиниши мумкин.

– Ўзбекистон таълим тизими ҳақида кўп эшитганман, – дейди Австрия парламенти аъзоси, Австрия миллатлараро ҳамжиҳатлик жамияти президенти Жозеф Хоштл. – Ҳақиқатан ҳам, мамлакатингизда истиқлол йилларида таълим соҳасида эришилган ютуқлар таҳсинга сазовор. Бу ердаги барча ўқув юртларида тилларни ўрганишга катта эътибор берилаётгани бизни қувонтирди. Зеро, бу ҳозирги глобаллашув ва интеграциялашув даврида мамлакатингиз илмий салоҳияти учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Мен Ўзбекистонда таълим тизими жаҳон стандартлари даражасида эканига ишонч ҳосил қилдим.

С.ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири.

УЗОҚНИ КЎЗЛАБ ЮРИТИЛАЁТГАН ОҚИЛОНА СИЁСАТ САМАРАЛАРИ

(Боши 1-саҳифада)

Андрей ЧЕБИКИН, Санъат ва архитектура академияси президенти (Украина):

– Таълим соҳасини тараққий эттиришда катта воқеа бўлган мазкур конференцияда қатнашиш билан бирга, Ўзбекистондаги бир қатор таълим масканлари фаолияти билан танишдим, ўқув жараёнларида бевосита қатнашдим. Тошкент геодезия ва картография касб-ҳунар коллежи, 1-республика тиббиёт коллежи ва Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб, ўқувчилар, талабаёшларга яратилган кенг шароитларни кўриб, лол қолдим. Айниқса, 1-республика тиббиёт коллежи тиббиётда қўлланиладиган замонавий технологиялар билан жиҳозлангани, махсус ўқув хоналари, жарроҳлик бўлимининг мавжудлиги менда катта таассурот қолдирди. Бу ерда ўқувчилар назарий билим олиш баробарида, амалий тажрибасини ҳам оширмоқда. Мени қувонтирган яна бир ҳолат, мазкур таълим масканининг ўқувчилари хорижий тилларни ҳам пухта билишидир.

Андре ЭРВЬЕ, Париждаги "Пантеон Сарбонна" университети вице-президенти (Франция):

– Ўзбекистон истиқлолга эришганидан буён ўтган вақт мобайнида барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритди. Айниқса, таълим соҳасида эришилаётган ютуқлардан халқингиз ҳар қанча фахрланса арзийди. Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари, жумладан, ёшларнинг билим олиши учун яратилган кенг имкониятлар ҳар қандай кишида ҳавас уйғотади. Илғор технологиялар билан жиҳозланган замонавий таълим масканларини барпо этиш борасида қабул қилинган қонунлар, ишлаб чиқилган дастурлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Ўзбекистон ва Франция таълим йўналишида кўп йиллардан буён самарали ҳамкорлик қилиб келаётир. Бу ҳамкорликни изчил давом эттиришдан манфаатдормиз.

ЎзА мухбирлари Мадина УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.

Қорақалпоғистон Республикаси

Аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш, кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида "Экосан" халқаро жамоат фонди Қорақалпоғистон филиали томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

«ЭКОСАН»НИНГ ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАРИ

Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича Чимбой туманидаги Қизил ўзак овул фуқаролар йиғини ҳудудида 67,1 миллион сўмлик лойиҳа ишлари амалга оширилди. "Экосан" халқаро жамоат фонди Қорақалпоғистон Гидрогеология мелиоратив экспедицияси, Мўйноқ тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда туман аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси асосида тумандаги Ҳоким ота овул фуқаролар йиғини ҳудудида 10 та, Бозотов овул фуқаролар йиғини ҳудудида 15 та, Мадели овул фуқаролар йиғини ҳудудларида 6 та босма кран қуриб берилди.

Р.Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Кегайли тумани бўлимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янгидан боғлар барпо этиш, кўчатхоналар ташкил этиш мақсадида 36 миллион сўмлик лойиҳа амалга оширилиб, фонд томонидан молиялаштирилди.

ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими, олий ўқув юртларининг ўқитувчи-профессорлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассислари иштирокида "Орол денгизининг бугуни, келажаги, муаммолар ва уни бартараф этиш йўллари", "Кўчат экиш ва уни парвариш қилиш" мавзуларида давра суҳбати уюштирилди.

— Бундай хайрия тадбирлари жорий йилда ҳам давом этади, — дейди "Экосан" халқаро жамоат фонди Қорақалпоғистон филиали директори Нурлибек Мирзаназаров. — Мўйноқ тумани аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси бўйича ишлаяпмиз. "Маҳалла" жамғармаси билан ҳамкорликда "Қўшниқўшнига" кўрик-танловини ўтказиш режалаштирилган.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

ОТБ ВА ЎЗБЕКИСТОН ҲАМКОРЛИГИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Пойтахтимизда 2012 йил 16 февраль куни Осиё тараққиёт банки (ОТБ) президенти Харухико Курода билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.Азимов умумий қиймати 508 миллион АҚШ долларига тенг тўртта заём битимини имзолади. Хусусан, 2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш дастури доирасида Мароканд-Қарши участкасида темир йўлларни электрлаштириш учун 100 миллион долларлик заём битими имзоланди.

Қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида уй-жой, муҳандислик коммуникация ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш дастури доирасида қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича қиймати 200 миллион долларлик заём битимига ҳам имзо чекилди.

Андижон шаҳрида сув таъминоти ва санитария хизматларини яхшилаш, жумладан, канализация тармоқларини реконструкция қилиш, Жиззах вилоятининг Зафаробод ва Арнасой туманларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятининг қишлоқ аҳоли пунктларида сув таъминотини яхшилаш учун 58 миллион долларлик заём битимлари имзоланди.

Электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, жумладан, электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш учун 150 миллион долларлик заём битими имзоланди.

Ўзбекистонда айни пайтда халқаро молия институтлари билан яқин ҳамкорликда электр энергетика соҳаси босқичма-босқич модернизация қилинмоқда, муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланишга қаратилган ҳуқуқий ва ишлаб чиқариш базаси яратилмоқда.

16 февраль куни Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода иштирокида қуёш энергияси бўйича қўшма халқаро илмий тадқиқот институтини ташкил этиш лойиҳасининг тақдимоти ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов муқобил энергия манбаларини ривожлантиришга доир қатор лойиҳаларни, шунингдек, қуёш энергияси бўйича халқаро илмий тадқиқот институтини ташкил қилиш концепциясини тақдим этди.

Учрашув якунида ОТБ ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида Қуёш энергияси бўйича қўшма халқаро илмий тадқиқот институтини ташкил этиш тўғрисида меморандум имзоланди. Ушбу ҳужжатда ОТБ томонидан қуёш энергетикасини ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш учун 200 миллион АҚШ доллари ажратилиши кўзда тутилган.

ЎзА

Тошкент Вилояти

▼ МАҲАЛЛА ҲАЁТИ

ЙИҒИНЛАР ФАОЛЛИГИ ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИДА БИЛИНАДИ

Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг "Мустаҳкам оила йили" дея номланиши қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолларини янада фаол бўлишга ундамоқда. Йил бошида йиғинлар фаоллари билан жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган иш режаларимизни тузиб олар эканмиз, бу борада чуқур мушоҳада қилдик.



Президентимиз томонидан узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ишлар — аҳоли фаровонлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш мақсадидаги хайрли тадбирларни барчамиз якдиллик билан эътироф этамиз. Ушбу йўналишдаги дастурлар ижросини таъминлаш мақсадида ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас. Чунки маҳалла асосини, аввало, шу ҳудудда истиқомат қиладиган оилалар ташкил этади. Инсоннинг туғилиши, вояга етиши, оила қуриб умр кечириши билан боғлиқ барча ҳолати асосан маҳаллада кечади. Демак, ҳар бир хонадоннинг тинчлик ва хотиржамлигини таъминлаш, айниқса, ёшларнинг оила мустаҳкамлиги, шаъни учун курашувчан диёнатли инсон бўлиб вояга етишишларида маҳалланинг аҳамияти беқиёс. Инсоннинг яхши ном чиқариши, элга танилиши, обрў-эътибор қозониши учун данғиллама ҳовли-жойлар қуриши ёки дабдабали тўю томошалар қилиши шарт эмас. Аввало, оилада аҳилликни, тинч-тотувлик ва меҳр-муҳаббатни қарор топтириш, энг муҳими, фарзандларга тўғри тарбия беришда ота-онанинг ўзи ибрат бўлиши керак. Бундай оилаларга ҳамма ҳавас билан қарайди.

Маҳалламизда намунали оилалар кўп. Мисол тариқасида уруш ва меҳнат фахрийси Абдурасул ота ва Нуриниса ая Қодировалар оиласини тилга олсак. Уларнинг турмуш қурганига бу йил 63 йил тўлади. Ҳозирда пиру бадавлат оила соҳиблари маҳалла-кўй ўртасида обрў-эътиборга сазовор, 11 нафар фарзанд, 39 нафар невара, 30 нафар эварани ардоғида умрғузаронлик қиляпти. Уларга барчанинг ҳаваси келади.

Маҳалламизда истиқомат қилувчи Ҳолмат ота ва Файзиниса момо Зокировларнинг ҳам оила қурганларига 60 йилдан ошмоқда. Уларнинг 12 нафар фарзанди, 52 нафар набираси, 30 дан зиёд эвараси бор. Оила соҳибларининг шунча йилдан буён тинч-тотув ва аҳил яшаб келаётганликлари барчага ибратдир. Маҳалламизда ана шундай намунали, мустаҳкам оила бошлиқлари билан ўтказилаётган учрашувлар ёшларнинг маънавиятига ижобий таъсир этади. Шунингдек, йил давомида ташкил этиладиган ёш қизлар ўртасида эрта никоҳнинг олдини олиш, янги оила қураётган йигит-қизларимизни бўлғуси ҳаётга тайёрлаш, уларда оилага масъулият ҳиссини уйғотиш ва унинг мажбуриятларини кенг тарғиб қилишга бағишланган "Оила маънавияти", "Сен оила қуришга тайёрмисан?", "Оила — муқаддас даргоҳ" сингари мавзуларда ўтказилаётган суҳбатлар ҳам кутилган натижаларни беради.

Санобар УМАРҚУЛОВА,
Пискент туманидаги Янгиобод маҳалла фуқаролар йиғини масъул котибаси.

ЎЗБЕК ПАХТА ТОЛАСИНИНГ НУФУЗИ

УНИНГ СИФАТИ ВА ХАРИДОРГИРЛИГИДА НАМОЁН

Бугун ҳақли равишда айта оламизки, Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида олиб борилган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, бошқа соҳалар қатори мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ҳар жиҳатдан ривожланди ва тараққий этмоқда. Бу йилдан-йилга ҳосилдорлик ошаётгани, иқтисодиётимиз юксалаётгани, пировардида, халқимиз турмуш фаровонлиги ошаётганида яққол намоён бўлаётир. Эришилаётган муваффақиятлар замирида деҳқону фермерларимизга яратиб берилаётган кенг имкониятлар, қилган меҳнатига яраша муносиб рағбат кўрсатилиши, бунга жавобан уларнинг ҳам мавжуд имкониятлардан тўла ва оқилона фойдаланган ҳолда қилаётган самарали меҳнатлари мужассам.

Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида қайд этилганидек, мураккаб об-ҳаво ва иқлим шароити туфайли вужудга келган муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати ҳисобидан 2011 йили энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари давлат хариди бўйича шартнома мажбуриятлари ортиғи билан бажарилди.

Дарҳақиқат, йиллар мобайнида тўпланган бой тажриба, соҳага илғор технологияларнинг кенг жорий этилиши натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ўсиб бораётир. Энг муҳими, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини замонавий технологиялар асосида қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқдаки, бу янги иш ўринлари ташкил этилишига, экспорт салоҳиятининг юксалишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асосий йўналишларидан бири пахта етиштириш, уни қайта ишлаш борасида эришилаётган ютуқларимиз билан ҳам бемалол мақтансак арзийди. Жаҳон бозорида ўзбек пахтасининг нуфузи тобора ортиб бораётир. Етиштирилаётган пахта толасининг пишиқ ва саноатбоплиги боис

халқаро бозорда талаб юқори бўлмоқда. Буни Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилиб, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаларида имзоланаётган кўплаб истиқболли шартномалар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Таъкидлаш ўринлики, юртимизда пахта сифатини баҳолашнинг ҳам аниқ механизми яратилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш "Сифат" маркази муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Марказ барча пахта тозалаш заводларида ишлаб чиқарилаётган ҳар бир той пахтанинг сифат ва вазнини назорат қилиш имконини берувчи ҳудудий кўп тармоқли синов лабораторияларига эга бўлиб, улар хориждан келтирилган HVI типидаги замонавий пахта толаси синов воситалари билан жиҳозланган.

— Мазкур ускуна воситасида тола намуналарининг сифат кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, толанинг узунлиги, пишиқлиги, ранги ва микронейр кўрсаткичлари аниқланади ҳамда шу асосда мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилади, — дейди мазкур марказ бош директорининг биринчи ўринбосари, техника фанлари доктори Эркин Мақсудов. — Ҳозирда мавжуд эскирган HVI тизимларини замонавий комплекс-автомат HVI асбоб-ускуналари билан босқичма-босқич алмаштириш режалаштирилмоқда. Бу, ўз навбатида, марказ бош унинг ҳудудий лабораторияларида олиб борилаётган ишларнинг янада сифатли, аниқ ва холисона бажарилишида муҳим аҳамият касб этади. Асосий мақсадимиз ўзбек пахта толасининг жаҳон бозорида доимо рақобатбардош сифат кўрсаткичларига эга бўлишини таъминлаш. Бу йўлда мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланган ҳолда янада кўпроқ изланишлар олиб боришимиз талаб этилади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда етиштирилаётган толанинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида қатор изланишлар олиб борилмоқда. Яна бир муҳим жиҳат, юртимизда ғўза навларини яхшилаш, тезпишар, ҳосилдорлиги юқори, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, сифати ва тола чиқиши юқори бўлган янги навларни яратишга, элита уруғларини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қолаверса, пахтани қайта ишлаш техника ва технологияларини модернизация қилиш, бугунги кун бозор талабларига мувофиқ нарх белгиланиши ҳамда харидорларга маҳсулотнинг ишончли ва қулай тарзда етказиб берилиши соҳа ривожида муҳим омил бўлаётир.

Маълумки, Ўзбекистон жаҳонда пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринда туради. Мамлакатимиз жаҳон пахта бозорида ўз мавқеига эга. Шу боис ҳам юртимиз иқтисодиёти юксалиши, халқимиз турмуш фаровонлиги ортишида муҳим ўрин тутадиган ўзбек пахта толасининг ҳар жиҳатдан сифатли, харидоргир бўлишини таъминлаш йўлида аниқ чор-тадбирлар асосида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда республика "Сифат" маркази ва унинг тизимидаги ташкилотларда меҳнат қилаётган соҳа мутахассисларининг ҳам хизматлари катта, албатта.

Раимкул СУЯРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Қашқадарё Вилояти

Вилоятда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш 2-босқич" лойиҳасининг "Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларини ўқитиш ва уларга консультатив хизматлар кўрсатиш" компоненти доирасида фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассислари учун ўқув-семинарлари бўлиб ўтмоқда.

ФЕРМЕРЛАР УЧУН ЎҚУВ-СЕМИНАР

Косон компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежида Касби ва Косон туманларида қишлоқ хўжалиги корхоналари масъуллари, ушбу ҳудудлардаги фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда олимлар иштирокида ўқув-семинар машғулотлари бўлиб ўтди.

Унда вилоят ва республикамиздаги турли илмий-тадқиқот институтларининг тажрибали олимлари ҳамда мутахассислари иштирок этишди.

— Бугунги фермер ё деҳқонни кечагиси билан қиёслаб бўлмайди, — дейди Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги Қашқадарё вилояти филиали раҳбари Жуманазар Бозоров. — Улар зиммасидаги масъулиятни ҳис қилган ҳолда, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашмоқдалар. Буни машғулотлар давомидаги қизғин баҳс-мунозаралар, очиқ фикрлар, жўяли таклифларда ҳам яққол кузатиш мумкин.

Машғулотлар етти йўналишда, яъни "Замонавий интенсив технологияларга асосланган боғ ва токзорларни барпо этиш, қайта ташкил этиш ҳамда улардан юқори сифатли маҳсулотлар етиштириш ва сақлаш", "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш учун технологиялар танлаш, тайёр маҳсулотларни ички ва ташқи бозорга олиб чиқишнинг маркетинг асослари", "Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва унинг қонуний-ҳуқуқий базаси", "Лойиҳа ҳудудларининг тупроқ-иқлим шароитларига мос пахта ва ғалла навларини танлаш ҳамда улардан юқори ҳосил олиш агротадбирлари", "Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш усуллари ва воситалари", "Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларини ташкил қилиш, озуқа базасини яратиш, янги зотларни мослаштириш, касалликларга қарши курашиш" ва "Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишни ташкил қилиш бўйича бизнес-режа тайёрлаш" мавзуларида олиб борилди.

Шунингдек, вилоятнинг Миришкор, Муборак, Қарши, Нишон, Ғузор, Деҳқонобод туманларида ҳам фермерлар ўқув-семинари бўлиб ўтмоқда. Мазкур ўқув-семинарларда билдирилган фикрлар, кўрсатмалар ҳамда лойиҳа доирасида белгиланган тадбирларнинг келгусида амалиётга татбиқ этилиши ҳосилнинг мўл-кўллигини ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Андижон Вилояти

▼ ШОЛИЧИЛИК ҲАҚИДА МУЛОҲАЗА

Девзира гуручнинг сири

Девзира нега водийдан бошқа жойда етиштирилмайди. Хўш, бунинг сири нимада? Айтайлик, "Авангард" ёки "Аланга" навли шолилар республикамизнинг барча худудларида етиштирилади. Ҳосилдорлиги ҳам барча жойда у қадар фарқ қилмайди. Нега энди девзира гуруч фақат водийда бўлади? Водийнинг барча жойларида ҳам бирдек пишиб етилмайди?

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Ғиёс Раҳимов қарийб ўн йил давомида ана шу саволга жавоб излади. Бир неча бор илмий экспедиция ташкил этди. Республика миқёсида шоли етиштириш технологияси муаммоларини ўрганиш жараёнида олим кўплаб деҳқонлар билан ҳамкорлик олиб борди. Ғиёс Раҳимов дунё шоличилиги, ҳосилдорлиги масаласидаги кўплаб халқаро тадбирларда иштирок этиб, бу борадаги ривожланишнинг асосий жиҳати кўчат етиштириш технологиясида эканлигига эътиборини қаратди. Бундан йигирма йил аввал, шоли сепиб экиларди. Ўшанда кўчат тайёрлаб олиш, сўнгра ўтказиш ҳосилдорликда, қолаверса, меҳнат ва бошқа ресурсларни тежашда муҳим омил эканлиги ҳақида сўз юритилса, кўпчилик шоликор деҳқонлар унчалик ишонмасди.

Ҳозирда Андижон томонларда шоли тўлиқ кўчат ўтказиш усулида етиштирилмоқда. Бу усул, аввало, экин парвариши муддатини 15-20 кунга қисқартирди. Ҳосилдорликни 20-30 центнерга оширди. Шолини кўчатлаб экиш технологияси жонкуярларидан бири ҳам Ғиёс Раҳимов эди.

Девзира гуруч масаласида эса олим бир неча бор Қорадарё ўзани ва суви унга қуйиладиган ўнлаб сойлар бўйлаб илмий сафарда бўлди. Маълумки, девзира шолисининг қарийб 90 фоизи дарё ва сой атрофларида етиштирилади. Қорадарёнинг энг юқори қисмида, Ўзган томонларда эса девзира гуручнинг энг сараси

бўлади. Қуйига тушган сайин эса гуруч сифатида фарқланиш бошланади. Айтайлик, Помир-Олой тоғ тизмалари орасига жойлашган Қорағулжа қишлоғидан Ўзган шаҳри атрофидаги Қуршоб қишлоғигача ораликда девзира гуручнинг энг яхшиси етиштирилади. Андижон сув омборидан Тешиктош тўғонигача бўлган масофада ҳам эътибордаги девзира гуруч шолиси экилади. Тешиктош тўғонидан Куйганёр тўғонигача бўлган Орол, Шўро, Янгиобод, Найман қишлоқларида етиштирилган гуруч сифатида ўзгаришлар кузатилган. Куйганёр тўғонидан Данғара тумани ўртасида эса бу борада анчагина фарқланиш бўлди.

— 250-300 километр ораликда, битта дарё ўзанида девзира гуруч 4 хил бўлганлиги маълум бўлди, — дейди Ғиёс Раҳимов. – Ушбу нав халқ селекциясига мансуб бўлиб, миришкор деҳқонлар асрлар давомида уни саралаб, уруғини бамисоли "тишининг ковагида" сақлаб бизгача етказиб келишган. Яна шуниси ҳам борки, "Қорақилтирик", "Оқ қилтирик" каби битта навдаги гуручнинг ҳар бир худудга хос турлари мавжуд.

Илмий сафарлар давомида девзира гуруч шолисидан ўнлаб намуналар олинди. Шоличилик илмий-тадқиқот институтининг Андижон филиалида ана шу намуналарни тажриба майдонларида экиш, кўпайтириш йўлга қўйилди. Мазкур филиал ерлари Қорадарёнинг қуйи қисмида, Тешиктош тўғонининг юқорисида жойлашган бўлиб, тупроққа нисбатан тош кўпроқ. Негаки, девзира гуруч шолиси асосан тош тупроқли ерларга экилади.

Олимлар ва амалиётчилар девзира гуруч шолиси ҳақидаги муайян маълумотларга эга бўлишгач, уни Сурхондарё, Хоразм, Тошкент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида экишиб, синовдан ўтказишди. Аммо тажриба олиб борилган далаларнинг бирортасида ҳам кўнгилдагидек натижага эришилмади. Гуручнинг кўриниши ҳам, асосий параметри бўлган таъми ҳам бутунлай ўзгариб кетди. Ана шундан сўнг маълум бўлдики, девзира гуруч сирларидан бири сувнинг таркибида экан.

Энг сара девзира гуруч шолиси экиладиган жойлар тоғ тизмаларига яқин. Баҳор ва ёз ойларида сойлардан дарёга лойқа сувлар қуйилади. Тошлоқларга экиладиган шоли маълум муддат лойқа остида қолади. Бу ерларнинг табиий минераллар билан озиқланиши ҳам бошқа жойларга нисбатан бир неча баробар юқори. Демакки, яна бир сири тупроқда.

Девзира гуруч пишгач, доналари йирик-йирик бўлиб кетади. Палов тайёрланиш жараёнида хилма-хил масаллиқларга тўйингани боис иштаҳангизни қитиқлайди. Хуллас, девзира гуручнинг сирлари ҳам, ундан тайёрланган пловнинг ҳикмати ҳам кўп.

Қобилжон АСҚАРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИНИНГ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА

I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарорлари ва Жиззах вилояти Пахтакор тумани ҳокимининг 2012 йил 7 февралдаги 37 сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги 8 (саккиз) та ер участкаларни доимий фойдаланиш ҳуқуқи танлов савдосига қўйилмоқда:

1. Умумий овқатланиш шохобчаси қуриш учун, Пахтакор тумани, Пахтакор шаҳар, Жаббаров кўчасида жойлашган, 1 дона 260 кв.м ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 94 380 сўм.

2. Суратхона шохобчаси қуриш учун, Пахтакор тумани, Пахтакор шаҳар, Жаббаров кўчасида жойлашган, 1 дона 40 кв.м.га тенг ер участкасининг доимий фодаланиш ҳуқуқи.Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 14 520 сўм.

3. Пойабзал тузатиш устахонаси қуриш учун, Пахтакор тумани, Дилором МФЙ ҳудудида жойлашган, 1 дона 24,0 кв.м ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 8 712 сўм.

4. Сартарошхона шохобчаси қуриш учун, Пахтакор тумани, Дилором МФЙ ҳудудида жойлашган 1 дона 24,0 кв.м ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 8 712 сўм.

5. Кийим тикиш ва таъмирлаш устахонаси қуриш учун, Пахтакор тумани, Дилором МФЙ ҳудудида жойлашган, 1 дона 48,0 кв.м ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 17 424 сўм.

6. Дорихона биноси қуриш учун, Пахтакор тумани, Дилором МФЙ ҳудудида жойлашган, 1 дона 58,0 кв.м ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 21 054 сўм.

7. Пайнет хизмати кўрсатиш шохобчаси қуриш учун, Пахтакор шаҳар, Тошкент МФЙ ҳудудида жойлашган, 1 дона 20,0 кв.м ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 7 260 сўм.

8. Суратхона биноси қуриш учун, Пахтакор шаҳар, Тошкент МФЙ ҳудудида жойлашган, 1 дона 20,0 кв.м ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 7 260 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Пахтакор тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2012 йил 30 декабргача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 22 март куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Пахтакор тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 23 март куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 23 март куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 23 мартдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йилнинг 10 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 9 апрелда соат 18.00 тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Пахтакор тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 10 апрель куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 10 апрель куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танлов ташкилотчиси - "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Жиззах вилоят филиали.

Танлов ташкилотчисининг манзили: Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 39-уй. **Телефон:** (8-372) 222-34-16, **электрон почта:** rieltsavdo@inbox.uz. **Лицензия:** RR-0001.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;
- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: АТИБ "Ипотекабанк" Жиззах вилояти филиали ҳ/р: 22626000804920609001, МФО 00122, СТИР 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 39-уй. Телефон: (8-372) 222-34-16.

Ташкил этилаётган танлов савдолари бўйича савол ёки эътирозларингиз бўлса, қуйидаги ишонч телефонларига мурожаат этишингизни сўраймиз: (+99871) 228-78-96, 228-80-23.
Факс: (+99871) 228-80-26. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz
«Ko'chmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамияти кўчмас мулк бозорида фаолият кўрсатаётган барча юридик ва жисмоний шахсларни ҳамкорликка таклиф этади. Жамиятимизда сизларга барча турдаги кўчмас мулклар, шу жумладан, уй-жойлар ва квартиралар бўйича юқори даражада сифатли риэлторлик хизматлари кўрсатилиши кафолатланади.

«Асака» банк (ОАЖ)

Республикамизда 2012 йил — «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида

«ЭНГ ЯХШИ ТАДБИРКОР АЁЛ ЛОЙИҲАСИ»

танловини эълон қилади.

ТАНЛОВНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ ВА ТАЛАБЛАРИ

1. Танлов иштирокчиси:	*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари бўлган тадбиркор аёллар.*
2. Лойиҳа қиймати:	*50 000 АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда (Марказий банк курси бўйича миллий валюта эквивалентида).*
3. Лойиҳани амалга ошириш муддати:	*5 йилгача*
4. Лойиҳага қўйилган асосий шартлар:	*- лойиҳа ташаббускорининг ўз маблағлари билан иштироки — лойиҳа қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда;* *- банк талабларига жавоб берадиган ҳар қандай ликвид таъминот турлари, жумладан, кредит ҳисобига сотиб олинадиган асбоб-ускуналар, кредит суммасининг 125 % кам бўлмаган миқдорда;* *- ишлаб чиқариш соҳасидаги "Энг яхши тадбиркор аёл лойиҳаси" бўйича камида 5 та янги иш ўрни яратилиши ва бир йиллик тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 100 млн. сўмдан кам бўлмаслик;* *- хизмат кўрсатиш соҳасидаги "Энг яхши тадбиркор аёл лойиҳаси" бўйича камида 3 та янги иш ўрни яратилиши ва бир йиллик хизмат кўрсатиш ҳажми 50 млн. сўмдан кам бўлмаслик.*
5. Лойиҳани баҳолаш мезонлари:	*Ички истеъмол бозорни сифатли ва рақобатбардош озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга, шунингдек, янги хизмат турларини жорий этишга қаратилган лойиҳалар устуворликка эга бўлади.*
6. Танлов ғолибларига имтиёзлар:	*Лойиҳа имтиёзли фоиз ставкалари асосида молиялаштирилади ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.*
7. Лойиҳани тақдим этиш:	*"Асака" банкнинг жойлардаги барча филиалларига*
8. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати:	*2012 йил 1 мартга қадар*
9. Танлов ғолибларини эълон қилиш муддати:	*2012 йил 15 мартгача*

«АСАКА» БАНК — ТАДБИРКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ!

«АСАКА» БАНК (ОАЖ) ФИЛИАЛЛАРИ КРЕДИТ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Филиаллар номи	Телефон рақамлари	Филиаллар номи	Телефон рақамлари
Қорақалпоғистон филиали	8-361-223-88-78	Сирдарё вилояти филиали	8-367-225-28-61
Андижон вилояти филиали	8-374-224-56-98	Тошкент вилояти филиали	8-371-120-84-04
Асака филиали	8-374-233-35-05	Фарғона вилояти филиали	8-373-224-72-14
Фарҳод филиали	8-374-226-96-93	Марғилон филиали	8-373-237-60-71
Бухоро вилояти филиали	8-365-223-11-15	Олтиариқ филиали	8-373-432-19-80
Бухоро шаҳар филиали	8-365-224-63-05	Қўқон филиали	8-373-552-61-01
Қашқадарё вилояти филиали	8-375-221-15-38	Хоразм вилояти филиали	8-362-226-96-03
Навоий вилояти филиали	8-436-770-21-28	Тошкент шаҳар филиали	8-371-120-83-00
Зарафшон филиали	8-436-573-18-80	Автотранспорт филиали	8-371-120-39-01
Наманган вилояти филиали	8-369-226-91-45	Шайхонтоҳур филиали	8-371-140-39-04
Самарқанд вилояти филиали	8-366-231-19-36	Юнусобод филиали	8-371-225-16-33
Афросиёб филиали	8-366-234-18-12	Сирғали филиали	8-371-257-87-55
Сурхондарё вилояти филиали	8-376-227-35-85	Жиззах вилояти филиали	8-372-226-34-90

Бухоро вилояти

«Жайрон» экомаркази: НОЁБ НАБОТОТ ВА ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ

"Жайрон" — ноёб ва нодир ҳайвонлар турларини кўпайтиришга ихтисослашган мамлакатимиздаги ягона экомарказ ҳисобланади ва муҳофаза этиладиган ҳудудлар қаторига киради. Воҳанинг Қарнабчўл массивида жойлашган экомарказ 1977 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Дастлаб, "Бухоро жайронларини кўпайтиришга ихтисослашган питомник" мақомига эга бўлган маскан ходимлари шу тур ҳайвонларини кўпайтириш ва тарқатиш ишлари билан шуғулланишган. Бу вазифалар муваффақиятли амалга оширилгач, бу ерда бошқа тур ҳайвонлар — қулон, сайғоқ, Бухоро буғуси (хонгул), Прежвальск оти, йўрға (тувалоқ) ва гепардларни кўпайтиришга киришилди ҳамда ижобий кўрсаткичлар қўлга киритилди.

Замира ДЕҲҚОНОВА,
Бухоро вилояти Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси етакчи мутахассиси.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиздаги қўриқхона, табиий миллий боғ ва бошқа муҳофаза этиладиган ҳудудларда олиб борилаётган ишларни тубдан яхшилашга қаратилган эътибор натижасида бу масканга 1998 йилда "Жайрон" экомаркази мақоми берилди. Эндиликда экомарказ — илмий ишлаб чиқариш ташкилоти саналади.

Ҳозирги "Жайрон" экомаркази фаолияти кенг қамровли бўлиб, бу ерда ҳайвонларнинг ноёб турлари, уларнинг биологик, генетик хусусиятларини ўрганиш, ҳудуддаги табиатан мавжуд ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш, илмий тажрибалар ўтказиш, ёш авлоднинг табиатга бўлган муҳаббатини ошириш, марказда экотуризмни ривожлантириш каби қатор ишлар қилинмоқда. Марказ мутахассислари нафақат мамлакатимиздаги балки, Россия, Франция, Германия, АҚШ, Япония давлатларининг тегишли институтлари ва бошқа илмий муассасалар ҳамда нодавлат ташкилотлари билан экомарказ ҳудудида бир қатор тадқиқот ишлари, илмий экспедициялар ўтказиш юзасидан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган.

Бу ҳамкорлик самараси ўлароқ, экомарказ ҳудудида Ўзбекистон — Франция илмий ходимлари биргаликда жайронларнинг гормонал ҳолати ва оҳуларнинг юрак-томир тизимини, АҚШ олимлари иштирокида чўл биоценозларини, Ўзбекистон ва Япония Фанлар Академияси олимлари томонидан шўр сув баланси ва ҳудудда сув ресурслари тавсифини ўрганиш каби бир қатор тадқиқот ишлари олиб борилди. 2006-2011 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда "Жайрон изидан" деб номланган 6 та экспедиция ташкил қилинди. Экомарказда тўпланган материаллар асосида диплом ишлари, 4 та номзодлик ва 1 та (Франция) докторлик иши ҳимоя қилинди.

Марказда экотуризмни ривожлантириш мақсадида ҳайвонлар сақланадиган волер мажмуаси қайта таъмирланди, экспозицияда қўйилган ҳайвонлар сони ва тури кўпайтирилди, экологик йўналишлар ташкил этилди. Бу экомарказга табиатни ҳимоя қилиш тадбирларини амалга ошириш учун қўшимча даромад келтиради. Ташриф буюрувчилар хушманзара йўналиш бўйича яёв ёки автомобилда сайр қилишлари, чўлнинг ноёб ҳайвонот ва ўсимлик оламини ўз кўзлари билан кўришлари мумкин.

Шунингдек, ёш авлоднинг экологик маданиятини юксалтириш ва экологик таълимни ривожлантириш мақсадида мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари, олийгоҳ талабалари учун мунтазам равишда очиқ дарслар ўтказиб келинмоқда. Ҳар йили экомарказга 2 мингдан ортиқ ўқувчи, талаба, илмий ходим ва олимлар ташриф буюришади.

Кейинги йилларда экомарказ фаолияти кенгаймоқда. Жумладан, 2009 йилда унинг ер майдони 9369 гектарга кенгайтирилиб, 16 минг 491 гектарга етказилди. Ўтган йили янги ҳудуднинг 18 гектар қисмида янги ҳайвонлар учун волер мажмуаси қурилиб, бу ерга жайрон, қулон ва Прежвальск отлари кўчирилди. Келгусида бу ерда Бухоро буғуси, гепардни кўпайтириш кўзда тутилган.

"Жайрон" экомарказини 2011–2015 йилларда ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан марказга илмий, ташкилий-техник ишларни бажариш учун 35 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ҳозирги кунда экомарказ ҳудудида 749 бош жайрон, 79 бош қулон, 21 бош Прежвальск оти, 16 бош Бухоро қўйи, 2 бош бурама шох эчки (морхур) парвариш қилинмоқда. "Жайрон" экомаркази ривожлантириш, табиатнинг ноёб, йўқолиб бораётган ҳайвонот ва наботот турларини сақлаб қолиш ҳамда уларни кўпайтириш мақсадида олиб борилаётган ишлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бораверади.

ФУТБОЛ

ТЎЙГА МУНОСИБ ТЎЁНА БИЛАН БОРАМИЗ

Ўзбекистон футбол федерацияси ўзбек футболининг 100 йиллик юбилейини нишонлаш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиққани оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди.

Мамлакат миқёсида нишонланадиган байрам тадбирлари режасида мусобақалар ташкил қилиш, эксклюзив почта маркаларини тайёрлаш, юбилейга бағишланган махсус китобни тайёрлаш ва чоп этиш каби кўплаб ҳайрли ишлар ўрин олган.

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилган эътибор натижасида ўзбек футболи дунёга чиқди.

Жойларда ушбу байрамга бағишланган тадбирларга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Қашқадарёда амалга оширилаётган ишлар хусусида вилоят футбол федерациясининг вице-президенти Норқул ДАМИНОВ билан суҳбатлашдик.

— Футбол мамлакатимизда энг оммавий спорт тури ҳисобланади. Мустақиллик барча соҳада бўлгани каби спортимиз учун ҳам ҳақиқий истиқбол эшикларини очди. 1994 йилдаёқ Япониянинг Хиросима шаҳрида бўлиб ўтган XII Осиё ўйинларида Ўзбекистон футболчиларининг зафари бунинг ёрқин далилидир.

Вилоятимизда ҳам футболнинг равнақ топиши истиқлолнинг ҳаётбахш шабадалари билан ҳамоҳангдир. Футбол жамоаларимиз қўлга киритаётган ютуқлар салмоқли дейишга барча асосларимиз бор. Қаршининг "Насаф" жамоаси

бир марта кумуш, олти марта бронза медали соҳиби бўлиб, икки марта Ўзбекистон кубогининг финалида иштирок этди. Ғузорнинг "Шўртан" жамоаси ҳам олий лигада ва халқаро мусобақада мардонавор тўп суриб, мухлисларга олам-олам қувонч бағишлаяпти. Шунингдек, Муборакнинг "Машъал" футбол клуби мамлакат чемпионатида бир марта кумуш медалга сазовор бўлган. 2011 йилда "Насаф" ОФК кубогида ғолиблик шоҳсупасига кўтарилиб, ўзбек футболи тарихида ёрқин саҳифа очди.

Вилоятда аёллар футболи ҳам ривожланган. "Севинч" аёллар футбол жамоаси бир неча бор мамлакат чемпиони, кубоги соҳиби бўлиб, халқаро мусобақаларда ғолибликни қўлга киритишди.

Футболимизнинг 100 йиллик тўйига тайёргарлик ишларига қизғин киришдик. 2012 йилнинг март ойидан бошлаб 612 та маҳалла, 1115 та мактаб, 132 та касб-ҳунар коллежи ва лицейларда ўзбек футболининг 100 йиллигига бағишлаб "Ёшлар — келажагимиз" шиори остида 1859 та жамоа ўртасида мусобақалар старт олади. Ушбу беллашувлар ноябрь ойи охирида ниҳоясига етади. Ҳудудларга бўлинган ҳолда ташкил этиладиган баҳслар иқтидорли, истеъдодли номларни кашф этишига ишонамиз.

Вилоят футбол федерацияси жадвалига асосан бу мусобақани 9 та нуфузли ташкилот ўтказади. Вилоят ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, алоқа ва ахборотлаштириш, халқ таълими, матбуот ва ахборот, соғлиқни сақлаш бошқармалари, "Камолот" ЁИҲ, "Маҳалла" жамғармаси бўлимлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, ўзбек футболининг 100 йиллигига бағишлаб Қарши шаҳридаги Марказий стадионда футбол фахрийлари иштирокида мусобақа уюштириш режаланмоқда. Бу тадбир ҳам футбол мухлислари учун катта байрам бўлади.

Дурдона ХУСАНОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Барча турдаги корхоналар ва ташкилотлар диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот 4-4:

Лот-1: Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги "С.Маллаев" хўжалигида коллектор қуриш;
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи (ҚҚСсиз) **609 095 033 сўм;** ишларни тугатиш муддати **6 ой.**

Лот-2: Навоий вилояти Конимех туманидаги "Норқул В-4" коллекторига қувурли ўтиш жойи қуриш;
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи (ҚҚСсиз) **279 741 711 сўм;** ишларни тугатиш муддати **5 ой.**

Лот-3: Қашқадарё вилояти Когон туманидаги "Некуз-Узунқудуқ-Ушоқтепа" хўжаликлараро коллекторлари тизимини реконструкция қилиш ва қўшиш;
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи (ҚҚСсиз) **1 114 394 292 сўм**; ишларни тугатиш муддати **11 ой.**

Лот-4: Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги "К-10", "К-11" хўжаликлараро коллекторлари тизимини реконструкция қилиш ва қуриш;
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи (ҚҚСсиз) **630 567 285 сўм**; ишларни тугатиш муддати **12 ой.**

Диққат! Қиймати 500 000 000 сўмгача бўлган объектларга танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Буюртмачи: Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти.

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри Истиқлол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Қурилиш ишларини молиялаштириш мелиорация жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдолари ташкилотчиси: Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқати эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади: иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларнинг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси – **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 18-уй. 311-308-хоналар. Тел: 241-15-26, 241-15-32, факс: 241-15-37.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплам қиймати – 150 000 (бир юз эллик минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 15 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Тошкент шаҳри Истиқлол кўчаси 29-уйда ўтказилади.

Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШДА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2012 ЙИЛ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: 1. Сайхунобод тумани тиббиёт бирлашмаси реконструкцияси (150 қатновга диагностика поликлиника қурилиши).
Бошланғич нархи: ҚҚС билан: 1 443 118 263 сўм, ҚҚСсиз 1 202 598 553 сўм.
Қурилиш муддати: 220 кун.

Объект номи: 1. Гулистон шаҳар компьютер ва ахборот технологиялар касб-ҳунар коллежи реконструкцияси *(18х30 м ҳажмли спортзал қурилиши).*
Бошланғич нархи: ҚҚС билан: 655 271 727 сўм, ҚҚСсиз 546 059 773 сўм.
Қурилиш муддати: 160 кун.

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Бюджетдан ташқари умумтаълим ва тиббий муассасаларини таъминлаш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачининг манзили: Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар М.Ахтамова кўчаси-30, тел.: 8 (367) 227-63-86.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 % миқдоридаги бўш айланма маблағлари бўлиши ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми 50 фоиздан кам бўлмаслиги шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февраль ПП-1475 сонли қарорига асосан, давлат бюджети маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500,0 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва қайта қуриш объектларига ўтказилган танлов савдолари, фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссиясининг 2011 йил 29 декабрдаги 4-сонли баённомасига асосан иншоотларни таъмирлаш учун минимал квотаси 35 % гача белгиланган.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Гулистон шаҳри М.Ахтамова кўчаси 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда ишлаб чиқариш ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин:
Тел. (факс): (8 367) 227-64-42.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин ўтказилади.

АГРОМАШ
ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ «АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ» МЧЖ
ТАКЛИФ ЭТАДИ:
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ВА УНГА ОСМА ВА УЛАМА УСКУНАЛАР, ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ВА СИФАТЛИ СЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ ҚЎРСАТАДИ
Тошкент ш., Ниёзбек Йўли кўчаси, 1
Тел.: + 998 71 234 96 11; +998 71 120 96 11; +998 71 120 96 12
Факс: +998 71 234 89 88; E-mail: info@chetra-tashkent.ru Сайт: www.chetra-tashkent.ru

Тошкент вил. Зангиота т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 19.12.2006 й.да (реестр № 1668) рўйхатдан ўтган "AL-XAKIMJON-XAMIDJON" Хусусий корхонаси (СТИР 201879047), ташкилий-ҳуқуқий шакли ва ташкилот номи "PRIMER-STANDARD GROUP" МЧЖга ўзгартирилаётганлигини маълум қилади. Тел.: 270-23-70.

Тошкент вил. Зангиота т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан (15.11.2001 й., реестр № 12) рўйхатдан ўтган "SODIQ-IKROM" Хусусий кичик корхонаси (СТИР 203739338) ташкилий-ҳуқуқий шакли "SODIQ-IKROM" МЧЖга ўзгартирилаётганлигини маълум қилади. Тел.: 270-23-70.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан жисмоний шахс Бекметова Дилноза Матсафаевна номига М.Улуғбек т. Кодирова кўч. 13-уй 27-хонадон манзилида жойлашган стоматология учун берилган № 9-580/2008 реестр рақамли кадастр ҳужжатларининг 29.12.2008 йилда берилган ТА № 0676387 рақамли кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный кассовый аппарат № 888688 и книга по контрольно-кассовым аппаратом выданные ООО "GIGO GRINGG", зарегистрированные в Яккасарайском ГНИ 13.05.2011 г., считать недействительными.

Тошкент вил. Зангиота т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан (реестр № 1519, 31.05.2006 й.) рўйхатга олинган "BUYUK TURON TRANS" МЧЖ томонидан автотранспорт воситаларига Тошкент вил. ҳудудида йўловчиларга транспорт хизматини кўрсатиш учун берилган 0013725, 0013724, 0014295, 0014427, 0014296, 0013723, 0014293, 0017010, 0015176, 0015410, 0015800, 0015801, 0016783, 0016263, 0017451, 0016780, 0016781, 0017450, 0017836, 0018897, 0018898, 0018899, 0021640, 0019916, 0020405, 0023287, 0013726, 0014428, 0014429, 0014430, 0013375 рақамли лицензия карточкалари йўқолганлиги сабабли ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Утерянную круглую печать и гувохному за № 004812 (реестр № 004812-08; 22.04.2009 г.) ООО "SHARIFA FARM" (ИНН 206997443), зарегистрированного отделом регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента по адресу: ул. Н.Козиробод 4-14, выданную разрешительным отделом Чиланзарского РОВД, считать недействительным.

ООО "PARSEK PLUS" (ИНН 206848785) Шайхантахурского р-на г. Ташкента сообщает о преобразовании в Иностранное предприятие в форме ООО "PARSEK PLUS". Телефон для справок: 332-56-67.

Утерянный кассовый аппарат № 916895 выданные ООО "PREMIUM BUSINESS TEAM", зарегистрированный в Яккасарайском ГНИ 31.05.2011 г., считать недействительным.

Иностранное ДП "POLIGRAFSPEKTR-AZIA" сообщает о преобразовании в смене фирменного наименования в Иностранное Предприятие "PRINT MIX IMPEX" в форме ООО. ИП ООО "PRINT MIX IMPEX" становится собственником всего имущества ИДП "POLIGRAFSPEKTR-AZIA", а также правопреемником всех его долгов и обязательств. Претензии принимаются в течение 1 месяца с момента выхода настоящего объявления по адресу: г. Ташкент Юнусабадский р-н ул. Иброхим Ахмад д. 62.

Утерянный план дома и договор купли-продажи по адресу: ул. Астробод 20, ул. Астробод 1 тор-1 тул., выданный Чиланзарским БТИ на имя Хаилова Шухрата Баходировича, считать недействительным.

ООО "GURUSHINDUSTRIYA XAJMUUY-JO'" (ИНН 203951147) Шайхантахурского р-на г. Ташкента, извещает об уменьшении уставного фонда с 628 785 760 сум до 48 296 080 сум.

ЧП "ISMATOV MIRZOXID SUNNATOVICH" (ИНН 301135448) Яккасарайского р-на г. Ташкента, сообщает о своем преобразовании в ООО "ISMATOV MIRZOXID SUNNATOVICH".

Утерянный круглую печать и угловой штамп (ИНН 487300091) ЧП Жура Сергей Витальевич зарегистрированного отделом регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента по адресу: Хамзинский р-н ул. Нигора 37 А, выданную разрешительным отделом Чиланзарского РОВД, считать недействительными.

ООО "BEK KOMIL FOOD" (ИНН 206161108), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията г. Ташкента Яккасарайского р-на г. Ташкента (реестр № 002201-11 от 28.02.2006 г.), расположённое по адресу: г. Ташкент Яккасарайский р-н ул. Куш беги-5а, ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

ООО "CINEMA TRADE" (ИНН 207089037), Чиланзарского р-на г. Ташкента, сообщает об уменьшении уставного фонда с 18 000 000 сум до 12 060 000 сум. Тел.: 101-44-88.

ООО "UNDER BRIDGE PETROL" (ИНН 300976709) Яккасарайского р-на г. Ташкента сообщает об уменьшении Уставного фонда с 924 300 000 сум до 474 300 000 сум.

ООО "KREDO-KREDIT" (ИНН 205026550), зарегистрированное Центральным банком Республики Узбекистан (Лицензия № 5 от 10.11.2005 г.), ликвидируется (на основании Решения собственника № 1 от 1.02.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент ул. Алмазар 6/7.

Утерянную Гувохному № 002683-04, выданную хокимиятом М.Улугбекского р-на 26.05.2010 г. на ООО "QUALITY PLANNING", считать недействительным.

Утерянные печать и угловой штамп, выданные Хокимиятом Яккасарайского р-на г. Ташкента ООО "BOZTEPA TEXTILE" (ИНН 301549897), расположенное по адресу: г. Ташкент ул. Бобура 73, считать недействительными.

Журабоев Дилмурод Каримжоновичга тегишли бўлган Тошкент ш. Юнусобод т. 2-даха 39-уй 87-хонадонга тегишли бўлган олди-сотди шартномаси (21.12.2010 й., реестр № 5-9310), уй плани ва бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқнинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида Гувоҳнома № 1112999 йўқолганлиги сабабли ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Тошкент давлат Аграр университети жамоаси Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими муҳандиси Акром Бўроновга падари бузруквори
АТҲАМ отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Агитай АДИЛОВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Сиёсатхон АБДУЛЛАЕВА, Маҳмуд ТОИР, Ҳамробой РАЗЗОҚОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (8-361) 352-54-58; Андижон – (8-374) 970-99-13; Бухоро – (8-365) 593-27-57; Жиззах – (8-372) 366-61-16; Наманган – (8-369) 562-19-59; Фарғона – (+998-91) 137-06-83; Самарқанд – (+998-97) 756-68-27; Сирдарё – (8-367) 588-06-89; Тошкент – (+998-97) 100-29-61; Хоразм – (8-362) 520-69-14; Қашқадарё – (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: С.СОЛИЕВА
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-214, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 00.15
24917 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4